O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 23 сентябрь, шанба • №73 (11.258) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА САФАРИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 сентябрь куни икки кунлик расмий ташриф билан Туркманистонга жўнаб кетди.

Шу куннинг ўзида Ислом Каримов Ашхободга етиб келди. Шаҳар аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов кутиб олди.

Президентлар ўтирган машиналар карвони Туркманистон Президенти саройига йўл олди. Бу ерда Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Туркманистон Президенти саройида Ислом Каримов ва Сапармурод Ниёзов яккама-якка суҳбатлашди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар хусусида сўз борди.

Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари чоғида Президентлар суҳбатида кўрилган масалалар муҳокамаси давом эттирилди. Музокаралар тугагач, Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида давлат чегараларини делимитация қилиш тўғрисида шартнома, темир йўл транспортида транзит юк ташувларини тартибга солиш соҳасида, солиқ қонунчилигига риоя қилиш масалаларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳамда радиоалоқаларни ўзлаштиришни мувофиқлаштириш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

Қ А Р О Р И

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сусайтириб юборилганлиги, улар устидан бўлган назоратнинг бўшлиги, иш билан таъминлаш ва бошқа муаммолар қониқарли даражада ҳал этилмаётганлиги оқибатида кўплаб ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар учраб турибди.

Ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари ва бошқа идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги мавжуд комиссиялар ўз фаолиятини деярли тўхтатиб қўйган.

Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳақидаги Низом ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таркиби тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ўз фао-

(Давоми 2-бетда).

«Пахта-2000» «Пахта-2000» «Пахта-2000»

СУРЪАТГА ҚАНОТ БАҒИШЛАЁТГАНЛАР

***ВИЛОЯТИМИЗ** пахтазорларида йиғим-терим кун сайин оммавий тус олмоқда. Деярли барча хўжаликларда аҳолини пахта теримига жалб этиш бўйича ташкилий ишлар бу йилги мавсумни қисқа муддатларда уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларга мувофиқ амалга оширилмоқда. Натижада терим суръати кундан-кунга юксалиб бормоқда.*

21 сентябргача бўлган маълумотга қараганда, бу йил айрим туманлар ўтган мавсумдагига нисбатан терим суръатини кескин оширишга эришмоқдалар. Жумладан, ўтган куни Чиноз, Бўка, Ўртачирчиқ, Пскент туманларида йиллик режанинг 4,03-4,465 фоизи миқдорида пахта тайёрланди. Ана шу туманлар вилоят бўйича ҳам терим суръатини юқори бўлишига катта ҳисса қўшмоқда. 21 сентябрь куни вилоят пахтазорларидан жаъми 8572 тонна хомашё йиғиштириб олинди. Бу йиллик режанинг 3,12 фоизига тенг. Шу кунгача терилган ҳосил 40 минг тоннадан ошди ёки йиллик режанинг 14,55 фоизи миқдорида пахта тайёрлашга эришилди.

Бекобод, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ ва Янгийўлдан ташқари барча туманларда машина терими ҳам бошлаб юборилди. Айниқса, Пскент туманида машина теримида юксак унумга эришилмоқда. Жумладан, 21 сентябрь куни машиналар билан 252 тонна ҳосил териб олинди. Бўка ва Ўртачирчиқ туманларида эса машина бункерларидан 172 тоннадан «оқ олтин» тўкилди.

Вилоятда мавжуд терим машиналари эрта-индин юз фоиз ишга тушади. Ана шунда терим суръати янада ошади.

Шу сонга

БЕШ ИШ КУНИДА

Таҳририятга туман ва хўжаликлардан келаётган хушхабарлар кун сайин ортиб бормоқда. Хусусан, 22 сентябрь куни Чиноз туманидаги яна 4 бригада ғалаба маррасига етиб келди. Амир Темур номли жамоа хўжалигининг Абдурашид Арслонов, Абдужаббор Дўстимбетов, тумандаги Муқим Эрхўжаев бошчилик қилаётган фермер хўжалиги жамоалари биринчи теримдаёқ ҳар гектар ердан 29-30 центнердан хирмон кўтариб, йиллик режаларини адо этдилар. Шуниси диққатга сазоворки, улар ҳосилнинг 50-55 фоизини машиналарда йиғиб-тердилар. Бу жамоалар гектаридан яна кам деганда 10-12 центнердан ҳосил олишни режалаштирдилар.

БИР ТЕРИМДА 38,6 ЦЕНТНЕР

Бу мўъжиза эмас, ҲАҚИҚАТ

***ПСКЕНТ** туманидаги А. Дўстбеков номли жамоа хўжалиги раҳбар ва мутахассислари йил бошида янгиликка дадил қўл урдилар. 1356 гектар майдонга «Меҳр» ва «Омад» номли янги пахта навини экдилар. Мўлжал тўғри бўлиб чиқди. Барча майдонда ғўза серҳосил бўлиб ривожланди ва ҳосил ҳам эрта пишиб етилди.*

Шартнома режаси бўйича бу йил хўжалик ҳар гектар майдондан 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга камида 4 минг тонна хомашё етказиб бериши керак. Далаларда эса ушбу режадан тахминан бир ярим баровар кўп ҳосил тўпланган. Бундай ҳисоб-китобнинг тўғрилиги дастлабки машина теримидаёқ маълум бўлди.

«КЕЙС» машинаси бир юришдаёқ гектаридан 38,6 центнердан ҳосил йиғиштириб, хирмонга тўкди. Тумандаги бирорта хўжаликда ҳеч қачон бу қадар мўл ҳосил тўпланмаганди. Шуниси диққатга сазоворки, ҳамма майдонлардаги ғўза машина теримига, айниқса, «КЕЙС» комбайнига мос.

Шуни ҳисобга олган туман ҳокимлиги ва МТП раҳбарияти хўжаликка бирйўла 10та «КЕЙС» беришга қарор қилди. Улар 20 сентябрь куни пахтазорга чиқарилди.

СУРАТДА: (чапдан) 5-бўлим бошқарувчиси Қозоқ Шукруллаев, «КЕЙС» оператори Ботир Исматов ва ижарачи Йўлдош Отабеков машина тушадиган навбатдаги майдонни аниқламоқдалар.

Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Мукаррам Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси «Тановар» рақс театри пойтахт вилоятининг Пскент тумани пахтакорлари ҳузурига жўнаб кетди. Бирлашма санъаткорларининг ҳар йили пахта мавсуми бошланиши билан Тошкент вилояти пахтакорлари ҳузурида учрашувлар ўтказиши, концертлар қўйиб бериши анъанага айланган. «Ўзбекрақс» таркибидаги хизмат кўрсатган «Баҳор» ансамбли, «Тановар» рақс театри, «Лазги», «Зарафшон» ва янги ташкил этилган «Етти гўзал» ансамбллари Бўка, Пскент, Янгийўл туманларида ўз санъатини намойиш этади.

(ЎзА).

«КЕЙС»ЛАР ИШГА ТУШДИ

ЧИНОЗликлар бу йилги пахта ҳосилини ҳашарчиларсиз териб олишга аҳд қилганлар. Шунинг учун теримнинг дастлабки кунларидан ишда тартиб-интизом, суръат ва сифатга алоҳида эътибор берилмоқда. «Чиноз», «Йўлтушган», «Гулзоробод», Турсунбой Эрназаров, Амир Темур номли хўжаликларда терим суръати, айниқса, юқори.

Амир Темур номли ширкат хўжалиги деҳқонлари бу йил 395 гектар майдонда пахта етиштирдилар. Режа – ҳар гектар ердан 28,7 центнердан ҳосил олиш. Лекин хўжалик мутахассисларининг ҳисоб-китоблари ҳосилдорликни режадигидан анча ошириш имконияти борлигини кўрсатмоқда. Абдурашид Арслонов, Курбонбой Йўлдошев, Абдужаббор Дўсимбетов, Хурсанбой Бўрибековлар бошлиқ бригадаларда кунига йиллик режанинг 5-7 фоизи миқдорида пахта териб топширишга эришилмоқда.

Биз Қурбонбой Йўлдошев бошлиқ бригада далаларидамиз. Бугун бу бригадада хўжалик ҳамда туман машина-трактор парки раҳбар ва мутахассислари иштирокида дастлабки «КЕЙС» комбайни далага киритилди. «КЕЙС» оператори Султон Оқбоев улкан ва мукаммал машинани эгатлар бўйлаб равон бошқариб кетди.

Тез орада комбайн бункери оппоқ пахтага тўлди, тележкага тўкилиб, тарозига жўнатилди. Натижа хабар қилингач, хўжалик ҳосилоти Абдукарим Юсупов ҳисоб-китоб қила бошлади. Натижа кутилганидан ҳам юқори бўлиб чиқди.

– Бир теримда гектарига 36 центнердан пахта йиғиштириб олинади, – дея эълон қилди ҳосилот.

Шу кун ширкат хўжалиги далаларида 7та «КЕЙС» комбайни иш бошлади.

– Далаларимизда мўл ҳосил тўпланган, – деди хўжалик бошқаруви раиси Мирзааҳмад Раҳмонов. – Дастлабки бригадалар маррага етиб келмоқда. Мана шу Қурбонбой Йўлдошев бошлиқ жамоада ўтган йили ҳосилдорлик 38 центнерга етказилганди. «КЕЙС» комбайнининг биринчи терими натижаси бу йил ҳосилдорлик янада юқори бўлишини кўрсатди.

Биз «КЕЙС»лар ишлаб турган далада туман машина-трактор паркининг директори Абдуҳошим Абдуназаров билан суҳбатлашдик.

– «КЕЙС»лар ишини гуруҳ усулида ташкил этганмиз, – деди А. Абдуназаров. – Амир Темур номли ширкат хўжалигида тажрибали механик Эрали Мирзаалиев узлуксиз навбатчилик қилмоқда. Бугун мана шу далаларда Пирмат Эшматов, Раҳматилла Иброҳимов, Хайитбой Азимов сингари «КЕЙС» операторлари ҳам иш бошладилар.

Орзиқул МАЪМУРОВ, Абдужалол РАХИМОВ.

***ТАҲРИРИЯТДАН**: Кеча Чиноз туманидан хабар қилишди. Ушбу хўжалик аъзолари мана икки кундирки йиллик режанинг 10 фоизидан ошириб пахта топширишмоқда.*

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча алоқа бўлимларида **2001 йил учун** бошқа нашрлар қатори **«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»**га ҳам **обуна** расмийлаштирила бошланди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

Вилоятнинг исталган алоқа бўлимларида унга тўхтовсиз ёзилишингиз ва яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

ВИЛОЯТ ҳаёти

«ҚЎРҒОНЧА»ДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

ҚУЙИЧИРЧИҚ тумани «Балиқчи» хўжалиги ҳудудидаги «Қўрғонча» қишлоғида қурилган янги касб-ҳунар коллежи дастлабки 200 ўқувчини қабул қилиб олди. Айни кунларда ушбу ёшлар тикувчилик, бухгалтерлик ва балиқчилик йўналишлари бўйича касб-ҳунар ўрганмоқдалар.

Янги коллеж тўла қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда 600 нафар қишлоқ ёшлари турли соҳалар бўйича етук касб эгаси бўлиб чиқадилар.

Дониёр КАМОЛ.

ТИББИЙ МАРКАЗ ОЧИЛМОҚДА

Қизил Ярим Ой жамияти вилоят бўлими испаниялик ҳомийлар кўмагида Олмалиқ шаҳрида аҳолини биринчи тиббий ёрдамга ўқитиш марказини очмоқда.

45 минг АҚШ доллари сарфланиб амалга ошириладиган лойиҳага кўра бу ерда корхона ва муассасалар йўлланмаси билан келганлар пулли таҳсил оладилар. Ёрдамга муҳтожларга эса бепул сабоқ берилади. Шунингдек, марказда амалиёт билан шуғулланувчи шифокор ва ҳамширалар боқувчисиз қолган ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар аъзоларини текин тиббий кўрикдан ўтказиб, уларни бепул даволайдилар.

Убайдулла ХИКМАТОВ.

«ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР...»

«Камолот» жамғармасининг вилоят бўлими ташаббуси билан шаҳар ва туманларда «Тарихингдир минг асрлар...» кўрик-танлови ўтказилмоқда. Мустақил юртимизнинг тарихи ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар муаллифлари ўртасидаги ўзига хос бу беллашувда 15дан 30 ёшгача бўлган ҳаваскор рассомлар бештадан ижодий намуналари билан иштирок этадилар.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичи 25 сентябрда ўтказилиши режалаштирилган.

Шоира УБАЙДУЛЛАЕВА.

БУНИСИ ЯНГИ ЧИГИТДАН

«Янгийўл ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти озиқ-овқат саноати шу тармоғининг йирик корхоналаридан ҳисобланади. Унинг кўп кишилик жамоаси бозор иқтисодиёти шароитида ҳам бир маромда ишламоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида корхона жамоаси ўтган йилги пахта чигитини қайта ишлаб, кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарди. Биргина пахта ёғидан мижозларга 7,5 минг тонна етказиб берилди. Айни вақтда савдо шахобчаларига жўнатилган иккинчи асосий маҳсулот тури — совун тўққиз ярим минг тоннани ташкил этди.

Ҳиссадорлик жамияти жамоаси янги пахта ҳосилидан ажратиб олинган чигитни қайта ишлашни ҳам бошлаб юборди. Бу йил корхонада 60 минг тонна чигитни тайёрлаш ва уни қайта ишлаш режалаштирилган.

ВИЛОЯТ ҳаёти

(Давоми. Боши 1-бетда).

лиятини жамоатчилик асосида амалга оширади ҳамда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилиши ва уларни назоратсиз қолдириш ҳолларининг олдини олувчи орган ҳисобланади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ўз тасарруфидаги мавжуд вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини кўриб чиқиб, уларнинг янги таркибларини тузсинлар.

Комиссиялар фаолияти изчил амалга оширилишини таъминлаш мақсадида уларнинг таркибида маҳаллий бюджет ҳисобидан алоҳида масъул котиб лавозими жорий этилсин.

4. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга ошириш;

давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларининг вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиши ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари юзасидан фаолиятини мувофиқлаштириш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва Ички ишлар вазирлигининг муассасаларида вояга етмаганларнинг сақланиши, уларни ўқитиш, тарбиялаш шарт-шароитлари устидан назоратни ташкил этиш;

вояга етмаган ёшларнинг онгини, тафаккурини шакллантириш, юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида маънавият ва маърифат ишларини жонлантириш;

жазони ижро этиш жойларидан озод бўлиб келган ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларни турар жой ва иш билан таъминлашда ёрдам бериш, шунингдек, вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қонунда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтирсин, вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитлари синчиклаб ўрганилиши ва бартараф этилиши юзасидан қатъий чоралар кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекциялар фаолиятининг самарадорлигини оширсин, ҳар бир участка инспекторидан ўз ҳудудида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун масъул эканлигини қатъий талаб қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Давлат спорт қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Камолот» жамғармалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ички ишлар идоралари ёшлар ва ўсмирларни тарбиялаш, ўқитиш ишлари устидан назоратни кучайтирсинлар, яшаш жойларида нотинч оилаларни, тарбияси оғир бўлган ёшларни аниқлаш, улар билан тарбиявий ишлар олиб бориш, вояга етмаганларни ўқишдан ташқари вақтларда дам олиш ва иш билан таъминлаш масалаларини доимий назоратга олсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги идоралари руҳий касалга чалинган, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйган вояга етмаганларни аниқлаш, тўлиқ ҳисобини юритиш ҳамда уларни даволаш ишларини қатъий йўлга қўйсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, ҳокимликлар, ички ишлар органлари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жазони ижро этиш жойларидан озод бўлиб келган ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларни турар жой ва иш билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатсинлар ва уларнинг бу масалада бевосита масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳар ярим йилда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг аҳволини муҳокама этиб, бу борада мутасадди идоралар раҳбарларининг ва қуйи комиссияларнинг ҳисоботларини эшитиб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин.

12. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Комилов ва Бош вазир ўринбосари Х. Кароматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

Қ А Р О Р И

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 21 сентябрь.

Кишлоқ ва ислохот

ПУДРАТЧИ ЎЗ ИШИНИ БИЛАДИ

ТОШКЕНТ туманидаги Собир Роҳимов номли ширкат хўжалиги деҳқонлари асосий экин турлари ва иқтисодий кўрсаткичлар бўйича йиллик шартнома режасини муддатидан илгари ортиғи билан бажардилар. Жумладан, 220 гектар майдондаги буғдойдан 40,3 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга 852 тонна дон топширилиб, шартнома 135,2 фоиз қилиб адо этилди.

ДАВЛАТГА шу кунгача режадаги 1800 тонна ўрнига 2000 тоннадан зиёд сабзавот топширилган бўлсада, ҳамон кунига 30-35 тонна маҳсулот етказиб берилмоқда. Шунингдек, хўжалик боғларида мева йиғим-терими ҳам давом этмоқда. Ҳолбуки, бу тармоқдаги шартнома ҳам 100 тонна ўрнига 122 тонна қилиб бажариб қўйилган.

Бундай ютуқларга эришишнинг асосий омили хўжаликнинг ширкат усулига ўтгани ва ички пудратнинг тўла жорий этилганидир. Масалан, хўжаликда бош пудратчи лавозими тайин қилиниб, уларга 25-30 оилавий пудратчи бириктириб қўйилган.

Бу йил режанинг барвақт ва ортиғи билан бажарилишига Тўлаган Ҳамробоев бош пудратчи бўлган гуруҳнинг 26 нафар оилавий пудратчилари, айниқса, салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар 81 гектар ерда деҳқончилик қилдилар. Шундан 44,4 гектар майдонга экилган буғдой 45 центнердан ҳосил тўкди. Давлатга режадагидан ортиқча сотилган дондан келадиган даромаднинг деҳқонга тегишли қисми ғаллачилик билан шуғулланган тўртта пудратчи оила ўртасида тақсимланади.

Т. Ҳамробоев бош бўлган гуруҳ деҳқонлари сабзавот экинларидан ҳам бошқаларга нисбатан мўл ҳосил етиштирдилар. Натижада ҳозиргача шартномадаги 235 тонна ўрнига 300 тонна сарҳил сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Лекин, далада ҳали ҳосил кўп. Ҳозир ҳам кунига 4-5 тонна ҳосил йиғиб-териб олинмоқда. Бу ёқда эса 2 гектар майдонда дон учун ва 20 гектар ерда силос учун экилган маккажўхори ҳосили турибди. Шу кунгача сотилган жаъми маҳсулот қиймати эса 4 миллион сўмликдан ошиб кетди.

— Деҳқоннинг иши унумли, даромади баракали бўлиши хўжалигимиз ширкатга айлангандан сўнг янада яққол сезилди, — дейди бош пудратчи Т. Ҳамробоев. — Энг муҳими — уларга ўргатиш ёки иш талаб қилишнинг ҳожати қолмади. Шартномага мувофиқ етиштирган маҳслуотларидан келадиган даромаднинг ўзларига тегишлисини нақд олиб турганларидан кейин ўзлари билиб ҳаракат қилаверадилар.

Бош пудратчи ўз тажрибасидан келиб чиқиб айтди бу гапларни. Чунки, у илгари анча вақт бригадир бўлиб ишлаган. У пайтларда одамларни ишга сафарбар этишнинг ўзи бўлмасди. Энди эса бош пудратчи ўз гуруҳидагиларга хўжалик бошқаруви билан боғланиб, уруғлик, ўғит, кимёвий дориларни вақтида етказиб бериб ва керагида сув билан таъминлаб турса бас, иш ўзи кетаверади.

Дарвоқе, Тўлаган Ҳамробоевнинг кўп йиллик меҳнатлари муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди.

Самад ЙЎЛДОШ.

СУРАТДА: бош пудратчи Тўлаган Ҳамрабоев ва пудратчи Ўлмас Ҳамрабоева ҳосил сифатини кўздан кечиришмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

ҲАЛИ ҚИЛИНАЖАК ИШЛАР КЎП

Юртимизда азалдан оилада аёлларнинг ўрни юқори бўлиб келган. Бола тарбияси, рўзғор ташвишлари унинг асосий вазифаси ҳисобланарди. Эндиликда хотин-қизларнинг жамиятда, давлат бошқарувидаги ролини ошириш, унинг ҳуқуқларини эркинлаштириш, иқтисодиётда, сиёсатда, маданий-маиший ҳаётда уларнинг фаоллигини юксалтириш энг муҳим масалалардан бўлиб қолди.

Шу аснода жойлардаги хотин-қизлар қўмиталарининг масъулиятлари янада ошиб, уларга янада кўпроқ вазифалар юкланмоқда.

Ўртачирчиқ тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Тамара Абдуҳакимова билан бўлган суҳбатимиз ҳам айнан хотин-қизлар қўмиталарининг фаолияти, қўмита амалга ошираётган ишлар хусусида бўлди.

— Тамара опа, бугунги кунда мамлакатимиздаги хотин-қизлар қўмиталарининг асосий вазифалари нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Агар жоиз бўлса айтишим мумкинки, мавжуд барча хотин-қизлар қўмиталарининг асосий вазифаси аёллар муаммоларини ўрганиш, уларни қийнаётган масалаларни ҳал қилиш, аёллар билан ишлаш, хотин-қизларни оиладаги давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, қолаверса, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, маънавий манфаатларини ҳимоя қилишдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки кунлариданоқ бу масала ҳукумат миқёсида кўтарилди ва биз учун ҳуда катта имкониятлар очиб берилди. Буни биргина Ўртачирчиқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Туман хотин-қизлар қўмитаси кейинги уч-тўрт йилда ўз фаолиятини анча кенгайтирди. Ҳозирда туман хотин-қизлар қўмиталаридан ташқари ҳар бир маҳаллаларда ҳам хотин-қизлар кенгашлари таркиби тузилган. Улар бевосита маҳаллада яшовчи хотин-қизлар билан ишлайдилар. Уларнинг муаммоларини ўрганадилар.

Биргина ўтган «Аёллар йили»нинг ўзида қўмитамиз томонидан туманимиз жамоа хўжаликларида ўтказилган «Энг ибратли келинчак» танловларидан тортиб, турли тиббий тадбирлар, аёлларни дам олишини ташкил қилиш борасида қилинган ишлар қўмитамиз фаолиятининг самараси деб биламан. Бу тадбирларга туманимиздаги аёл тадбиркорларнинг ҳомийлик қилганликларини таъкидлаб ўтиш керак. Бу-лардан кўзланган асосий мақсад бугун аёлларимиз оилада фақат уй-рўзғор ташвишлари билан ўралашиб қолмасдан, балки, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этсинлар, жамият ривожига ўз ҳиссаларини қўшсинлар, атрофимизда бўлётган воқеаларга муносабатларини билдирсинлар.

— Маълумки, 2000 йил — «Соғлом авлод йили», деб эълон қилинди. Аслида соғлом авлодни вояга етказиш, белгиланган дастур ва тадбирларнинг аксарияти хотин-қизлар фаолияти билан боғлиқ. Туманда яна шу муҳим дастурни амалга оширишга қўмита қай даражада ҳисса қўшмоқда?

— Мен аввало мамлакатимизда 2000 йилда Президентимизнинг ташаббуси билан жуда катта иш бошланганлигини айтмоқчиман. Нафақат қўмита раиси, балки она сифатида соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги бу саъй-ҳаракатларнинг қанчалик муҳимлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Амалга оширилаётган тадбирлар қўлами кенг. Мактабларда ўсмир қизлар билан ишлаш, юқори синф ўқувчилари учун «Соғлом оилани шакллантириш», «Оилани мустаҳкамлаш» мавзуларидаги маърузалар, жойларда «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида ўтказилаётган давра суҳбатлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари тиббий муассасалар билан ҳамкорликда хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Республика жамғармаларининг туман бўлимлари билан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига доимий моддий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга ҳаракат қилаяпмиз.

Албатта, ҳали олдимизда ҳал этилиши зарур бўлган қатор муаммолар, қилишимиз керак бўлган ишлар ҳам кўп.

Лекин, шунга қарамай, барча имкониятларни ишга солиб, жамиятимиздаги катта куч бўлган хотин-қизларимиз ва қўмитамиз фаолиятини ошириш йўлидан боравераміз.

Суҳбатдош Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

КЎРГАЗМА ҒОЛИБИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Давлат Фан ва техника қўмитаси, Давлат Патент идораси ва Республика ўқувчилар техника ижодиёти маркази ташаббуси билан «XXI асрга соғлом авлод билан» мавзусида ўтказилган «Ижодкор-ихтирочи болалар» кўргазмасида юртимиз иқтидорли ёшларининг ўнта йўналишдаги ишлари намойиш қилинди.

Тадбирда вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги қатор мактабларнинг ўқувчилари ҳам иштирок этиб, бир неча совринли ўринларни қўлга киритишди. Хусусан, Ангрендаги 12-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Михаил Белоглазов «Сув тозалаш қурилмаси» номли иши билан «Кимё» йўналиши бўйича, Олмалиқ шаҳридаги 15-мактабнинг 7-синфи ўқувчиси Олег Афанасьев «Механизмда ишловчи това» иши билан «Маиший техника» йўналишида 1-ўринни эгалладилар. Оҳангарондаги 7-мактабдан Ольга Қадочникова ва Олмалиқдаги 15-мактабдан Александр Газнинлар эса, «Дизайн» ва «Транспорт» соҳалари бўйича учинчи ўрин соҳиблари бўлишди. Голибларга совринлар, эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Шоира УБАЙДУЛЛАЕВА.

Шартномани бажармоқ керак

ХИЗМАТДАН ҚОЧМАЙДИЛАР, ЛЕКИН...

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида барқарор ишлашга эришишнинг ўзига хос машаққатлари ва қийинчиликлари мавжуд. Уларнинг бири даимий ва муқим мижозларга эга бўлишдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси ва хизмат кўрсатиш ташкилоти мижозларни муттасил қидиришлари, ривожланиш учун уларнинг сонини кўпайтириб боришлари лозим.

Айни вақтда улар билан яқин ҳамкорликда ишлаш, талаб ва эҳтиёжини тез ва сифатли адо этиш, буюртмаларини доим муддатида бажаришга эришиш талаб қилинади. «Тошвилоятюктранс» концерни жамоаси ўз фаолиятида шунга катта аҳамият билан қарамоқда. Натижада унинг хизматидан фойдаланаётган корхона-ташкилотлар мунтазам ортиб боряпти. Шу кунларда эса 400дан ошиқ мижозга транспорт хизмати кўрсатилмоқда. Шу ишда концернга қарашли ва вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туманларида жойлашган 11та акциядорлик жамиятлари ва битта давлат корхонаси транспортчилари қатнашмоқдалар. Уларнинг ихтиёрларида 2 мингга яқин турли русумдаги автотранспорт воситалари бор.

Транспортчилар бозор шароити талабларини ҳисобга олиб, барча мижозлар билан келишиб тузилган шартномалар асосида фаолият кўрсатмоқдалар. Бундай ҳужжатларда ҳамкорлик қилишнинг ҳар бир томон зиммасига юклатадиган вазифалари, бурчлари ва ҳуқуқлари аниқ кўрсатилганлиги айни муддао бўлмоқда. Уни тўла амал қилишга интилиш кучаймоқда. Чунки, шартноманинг у ёки бу бандлари бажарилмаган тақдирда унинг айбдорига нисбатан жарима чоралари кўрилмоқда.

Концерн ишчи-хизматчилари шартномаларга тўла амал қилишга астойдил интилмоқдалар. Буни ўз мижозларидан ҳам қаттиқ талаб қилишяпти. Улар эса юқорида таъкидланганидек жуда кўп. Энг бақувват буюртмачи республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидир. Бундан ташқари, барча пахта заводлари, ёғ-мой комбинатлари, консерва заводлари, сув хўжаликлари ва йўл қурилиши ташкилотлари ҳамда бошқа юзлаб хўжалик тизимлари уларнинг фаолиятидан фойдаланмоқдалар. Жамоа учун, айниқса, ғалла ва пахта терими компаниялари жуда масъулиятли бўлади. Етиштирилган ҳосилни неснобуд қилмай давлат омборларига етказиб беришнинг асосий оғирлиги концерн транспортчилари зиммасида бўлади. Бу йил ғаллани ташишда саккиз юзга яқин транспорт воситалари ишлатилди. Шу кунларда эса оқ олтин ҳосилини ташишда фаол қатнашмоқдалар.

Мижозларга кўрсатилаётган хизмат маданиятининг ўсиши, автотранспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, уларни таъмирлаш базасини мустаҳкамлаш, транспортчилар малакасини ошириш, илғор усулларни қўлланиш концерн жамоаси меҳнат фаолиятининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари кўнгилдагидек бўлишига олиб келмоқда. Буни жорий йилнинг биринчи ярми якунларида ҳам кўриш мумкин.

Шу даврда барча мижозлар билан тузилган юк ташиш шартнома мажбуриятлари тўла бажарилди. Ҳаммаси бўлиб 8,1 миллион тонна халқ хўжалик юклари белгиланган манзилларга етказиб берилди. Кўрилган жами даромад ҳажми 1 миллиард 100 миллион сўмликни ташкил этди. Бу шу давр учун белгиланган топширикдагидан 31,4 фоиз, ўтган йилнинг шу даврдагига қараганда 35,8 фоиз кўпдир. Даромад ва соф фойданинг кўпайиб бориши натижасида концернга қарашли қатор акциядорлик жамиятларининг акциялари анча харидоргир бўлиб қолди. Ярим йил давомида 12,1 миллион сўмлик акциялар сотилди. 58 минг 806 дона акция инвесторлар томонидан харид қилиб олинди.

Самарали ишлашдан аввало транспортчилар модий фойда кўрмоқдалар. Уларнинг иш ҳақлари ой сайин ортиб бормоқда. Биринчи ярим йилликда бу ўртача 12 минг 400 сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 55,6 фоиз кўпдир. Айни вақтда барча касб эгаси бўлган ишчи-хизматчиларни ижтимоий жамғармадан рағбатлантиришга қаратилган қатор тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш кучайяпти. Бунинг учун тобора кўпроқ маблағ ажратилмоқда.

Концерн корхоналарида барча ишлар бир маромда бораяпти деб бўлмайди. Жамоаларнинг янада унумли ишлаши учун қатор муаммолар тўсқинлик қилмоқда. Бу биринчи навбатда дебиторлик қарзларидир. Транспортчилар хизматидан фойдаланаётган қатор мижозлар унинг ҳақини ўз вақтида тўламаяптилар. Шу йилнинг биринчи ярмида бундай қарз миқдори 400 миллион сўмни ташкил этди. Бу рақам ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан бироз камайди, лекин пулнинг ўз вақтида транспорт корхоналари ҳисобига ўтказмаслик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш, белгиланган хайрия тадбирларини амалга оширишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Айниқса, республика «Пахтасаноатсавдо» уюшмаси, Дон маҳсулотлари ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари бўлинмалари концернга кўп миқдорда қарз бўлиб турибдилар. Маблағнинг етишмаслиги натижасида банклардан қарз, кредитлар олиниб, шу йўл билан автошиналар ва бошқа эҳтиёт қисмлар сотиб олинмоқда. Бу кредитлар, албатта, фоизи билан қайтарилади. Бу ортиқча маблағ сарфланишига олиб келмоқда.

Энг муҳим муаммолардан яна бири автомобиль корхоналарини янги транспорт воситалари билан тўлдиришдир. Ҳозирги вақтда ҳаракатда бўлган автоуловларнинг 80 фоизи эскириб колган. Уларни янгилари билан алмаштириш зарур. Бунинг учун нақд валюта керак. Бундай маблағ эса концернда етишмаяпти. Оғир юк кўтарадиган автомашиналарни фақат четдан сотиб олиш мумкин. Республикамизда ҳозирча улар чиқарилаётгани йўқ. Бу масалада мутасаддилар ёрдам беришса айни муддао бўларди.

Транспортчилар ўз фаолиятларида қатор бошқа каттакичик муаммоларга ҳам дуч келмоқдалар. Уларни имкони борича бартараф этишга эришишмоқда, бу йўлда жуда кўп саъй-ҳаракатлар қилишмоқда. Шу туфайли ҳам белгиланган топшириқлар тўла ва зиёдаси билан адо этиляпти.

Собир МУҲАМЕДОВ.

Маънавият соатлари

ОИЛА САБОҒИ

Оило муқаддас даргоҳ. Инсонда юрт туйғуси, Ватан тушунчаси ҳам аслида оиладан бошланади. Ана шунинг учун аилани «Олтин бешик» дейдилар. Эртанги кунимиз давомчилари, келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимиз ҳам илк сабоқни оиладан оладилар. Уларни қанчалик баркамол, юртпарвар қилиб тарбиялласак, Ватан истиқболи шунчалик буюк бўлади. Биз – катталар буни бир сония бўлсада ёддан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

Бу сўзлар Оҳангарон туманида шу йил 20 сентябрь куни бўлиб ўтган маънавият соатларида бот-бот қайтарилди. Унда иштирок этган республика Маънавият ва маърифат марказининг бўлим мудири, севимли шоирамиз Турсуной Содиқова ҳам ўз маърузасида жамият, оила, ёшлар тарбияси, ота-она масъулияти, хотин-қизларни бугунги кундаги асосий вазифаларига кенг тўхталди.

Дарҳақиқат, биз бугун жамиятимиздаги муаммолар, хусусан, ёшларимизнинг турли диний оқимлар ва экстремистик гуруҳларга кириб кетаётганлиги, одамларнинг лоқайдлиги ҳақида кўп гапирамиз. Лекин, аслида мана шу иллатларнинг туб илдизи, бошланиши қаердан эканлигига етиб бормаймиз. Бизнингча, бу камчиликлар аксарият ҳолларда оила ва оиладаги муҳитдан бошланади. Кўпинча ота-оналар турли кундалик турмуш муаммоларини рўкач қилиб, оиладаги бош вазифаларини – фарзанд тарбиясини унутиб қўядилар ёки унга иккинчи даражали вазифа сифатида қарайдилар.

Ўйлаб қўрайлик. Турли диний оқимлар таъсирига тушган, баъзан алдов йўли билан экстремистик гуруҳларга қўшилиб ўз Ватанига, демакки, ўз уйига, ўз оиласига, ўз ота-онаси ва ёру биродарларига милтиқ ўқталишдан ҳам тоймаётганлар қаерда туғилди, қаерда тарбия олди?! Уларни ҳеч ким четдан олиб келиб бизга қўшиб қўйгани йўқ-ку. Аксинча, «душман» ўз ичимиздан чиқди. Биз бунга йўл қўйиб қўйдик. Ота-она, маҳалла-кўй, жамоатчилик бунга бефарқ қаради. Бундай ҳол ҳамон учраб турибди.

Ана шунинг учун ҳам йиғилишда таъкидлганидек бу масалаларни тубдан қайта кўриб чиқмоқ керак. Зиммамизда турган масъулиятни унутишга ҳаққимиз йўқ. Ёшларимизни тўғри йўлга солиш, сабр-бардошли бўлишга ўргатиш, оилада эркак ва аёлнинг ўз ўрнини таъминлаш – буларнинг ҳаммаси шунчаки гаплар эмас. Пировардида улар оиладаги маънавиятга бориб тақалади. Эндиликда эҳтиросли гап-сўзлардан амалий ишга ўтадиган палла келди. Зеро, гап эртамиз, келажагимиз, истиқболимиз ҳақида бормоқда.

– Биз ушбу йиғилишимизга туманимиздаги барча фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, ёшлар ташкилотларининг вакилларини таклиф этдик, – деди туман ҳокимининг муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Бахтихон Мадаминова. – Мақсадимиз яна бир бор уларни фаолликка чорлаш. Олдимизда турган вазифаларнинг моҳиятини етказиш. Ўйлайманки, ҳокимлик ташаббуси билан ўтказилган маънавият соатлари иштирокчиларнинг ҳеч бирини бефарқ қолдирмади. Келгусида бундай тадбирларни бевосита қишлоқларда ҳам ташкил этишни режалаштириб қўйдик.

Ўз мухбиримиз.

ТУРАР ЖОЙИНГИЗНИНГ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

Маълумки, тарих саҳифаларини вақти-вақти билан кўздан кечириб туриш инсонни ўз қадр-қимматини чуқурроқ сезишга, қолаверса, халқимиз урф-одатлари ва анъаналарини улуғлашга ундайди. Бунда эса архив ҳужжатларининг тутган ўрни беқиёс. Хусусан, Тошкент вилояти Давлат архивида сақланаётган ҳужжатларга асосланиб, вилоятимиздаги жой номларининг ўзгартирилишига қисқача тўхталиб ўтиш мумкин.

Архив йиғма жилдларини кўздан кечирганимизда, беихтиёр олдинги даврларда аҳоли турар-жойлари, ташкилот, корхона ва хўжаликлар, ҳатто, туманлар атамалари тез-тез алмаштирилиб турилганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, 20-йилларда жой номларини ўзгартириш сиёсий тус олганлигини айтиб ўтишимиз шарт. Масалан, 1925 йил 25 январда Тошкент уезди (у пайтларда Тошкент вилояти бўлмаган) ижроқўми мажлисида Ниёзбек туманини Калинин тумани, Қибрай қишлоғини эса Чўлпон деб номлаш, Байтиқўрғон овулига пролетар инқилоби доҳийсининг исмини беришга қарор қилинган. Мазкур мажлисда Нўғайқўрғон қишлоғини Ўзгариш деб аташ зарур деб топилган.

Кейинги йилларда эса, жой номларини ўзгартиришга «халқ душманлари»ни фош этиш ёки давлат арбобларининг хизматидан четлатилиши ҳам сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам 1937 йилнинг сентябрь-декабрь ойлари давомида жуда кўп жой ва муассасаларнинг номи ўзгартирилган. Масалан, республика марказий ижроқўми қарорига кўра Ўртачирчиқ туманидаги Файзулла Хўжаев номли жамоа хўжалиги – «Коминтерн», Манжара номли колхоз – «Учқун» деб аталган.

Юқоридаги каби жараён 50-60-йилларда давом эттирилди: партияга қарши чиққан гуруҳ аъзолари ва лавозимидан бўшатилган раҳбарларнинг номлари олиб ташланди.

Қуйидаги қизиқарли воқеа 1949-50 йилларда рўй беради. Ўшанда вилоятимиздаги Чирчиқ шаҳри одатдаги номидан маҳрум бўлишига сал қолган эди.

1949 йил 25 декабрь куни шаҳар партия ва хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлади. Унда «Халқлар доҳийси»нинг 70 йиллик таваллудини нишонлаш масаласи кўрилади. Унда Чирчиқни «Сталин-шаҳар» деб номлаш ҳақида юқори ташкилотлардан илтимос қилишга қарор қилинади. Москвага бу ҳақда зудлик билан телеграмма юборилади. Бу таклифни вилоят партия қўмитаси ва ижроқўми ҳам қўллаб-қувватлаб, 1950 йил 7 январдаги қўшма мажлис номидан марказга илтимоснома жўнатилади. Хайрият, у томонда бу илтимослар негадир илтимослигича қолиб кетди. Чирчиқ шаҳри эса, ўзининг тарихий номини сақлаб қолди...

Вилоятимизда жой номларини ўзгартириш кейинчалик оммавий тус олди. Қуйичирчиқ туманини – Ғалаба, Юқоричирчиқни – Коммунистик тумани деб аталганлиги ҳали кўпчиликнинг ёдидан чиқмаган бўлса керак.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришиши билан кўплаб маъмурий-хўжалик муассасалари, ташкилот ва жамоаларга янги-янги номлар берилмоқда. Шуниси қувонарлики, булар асосан тарихий номларни қайтаришга қаратилган уринишлардир. Шунинг учун бундан кейин ҳам номларни ўзгартиришга катта аҳамият беришимиз лозим ва жой номларини танлашда халқимиз анъаналарига асосли ёндошишимиз керак.

Тўлман БАРАТОВ,
вилоят Давлат архивининг етакчи мутахассиси.

ТЕЛЕ кўрсатувлар дастурлари

ДУШАНБА, 25

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.45 «Таҳлилнома».
*
8.45 ТВ-маркет.
8.50 Лирик тароналар.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мингбулоқ мамлакати».
9.20 ТВ-метео.
9.30 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.30 Кундузги сеанс: «Фил йўқолди». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.05 2000 йил — Соғлом авлод йили. «Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз».
12.35 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.
12.50 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
13.50 ТВ-метео.
14.10 «Изтироб». Теленовелла.
14.45 ТВ-клип.
14.55 «Буюк келажак ёшлар қўлида».
15.45 «Мутлақ устунлик билан». Бадиий фильм.
17.00 II Халқаро симфоник мусиқа фестивали кундалиги.
17.20 ТВ-анонс.
17.30 «Ёнғоқ новдаси». Мультфильм.
17.55 ТВ-маркет.
18.10 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
18.25 ТВ-патрул.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиқ-ла хаёт гўзал». Мусиқий дастур.
«Спорт» дастури:
21.25 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларида.
21.40 Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.
22.10 «Футбол шарҳи».
22.25 «Экспедиция». Телесериал премьераси. 18-қисм.
23.15 «Ахборот».
23.50 «Маънавият» дастури.
00.15 «Фалокат оёқ остида». Бадиий фильм.
1.45—1.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR telekanali

9.00 «Давр тонги».
10.00 Кўрсатувлар дастури.
10.05 «Янги авлод» почтаси, «Уй вазифаси», «Мультомоша».
10.45 «Мусиқий лаҳзалар».
11.00 «Давр». Ҳафта ичида.
11.40 «Доктор Финли». Телесериал.
12.30 «Мусиқий лаҳзалар».
12.40 «Манзур».
13.00 Бояуддин Боймирзаев. «Дуоибад». Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
14.00 «Олтин мерос».
14.15 «Саломатлик сирлари».
14.35 Бояуддин Боймирзаев. «Дуоибад». Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат драма театрининг спектакли. 2-қисм.
15.30 «Мусиқий дастур».
15.45 «Автосалтанат».
16.00 «Ал-Биширининг орзу-армонлари». Телесериал. 14-қисм.
16.40 «Мезон».
17.00 «Мусиқий дастур».
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус», «Мультомоша».
17.55 «Ватан мадҳи».
18.05 «Ўзбегим кураши».
18.25 «Қишлоқдаги тенгдошим».
18.45 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
19.50 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Хандалак». Ҳажвий тележурнал.
20.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Жавоҳир шаҳарлар».
20.30, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Аёл зоти». Телесериал. 1-қисм.
21.10 «Ёшлар овози».
21.30 «Мусиқий лаҳзалар».
21.35 «Бир ўлка-ки...»
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.10—1.15 «Тонг юлдузи».

TTK

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 21.00, 23.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 «Спорт-тайм».
18.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.00, 20.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.45 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
21.25 «Омад» тележурнали.
22.10 «Спрут». Телесериал.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30—8.00
*
14.00—15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.45 Кўрсатувлар тартиби.
*
15.50 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари. Австралиядан олиб кўрсатилади.
*
17.00 «Мультчархпалак».
17.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.30 «Бобил минораси». Телесериал.
18.40 «Мўъжазгина...»
19.00 «Мени кутгил».
19.45 «Хайрли тун кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.35 «Бизнес-ревю».
20.55 «Дил изҳори».
21.40 «ТВ-4да Немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.30 «Дил изҳори».
23.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
1.00 «Ахборот» (рус тилида).
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин».

СЕШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 Кино янгиликлари.
9.10 «Куёшли юрт қўшиқлари». Мусиқий дастур.
9.30 ТВ-метео.
9.40 «Босат полвон». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
10.25 Кундузги сеанс: «Кўчатлар». Бадиий фильм.
11.55 ТВ-клип.
12.05 «Маънавият» дастури.
12.30 «Экспедиция». Телесериал. 18-қисм.
13.20 «Шийпондаги учрашувлар». Андижон вилояти Асака тумани меҳнаткашлари ҳузурида.
14.10 ТВ-метео.
14.20 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
14.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
15.00 ТВ-клип.
15.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» (Муборак) — «Академия» (Тошкент).
15.50 «Олти жаҳонгашта». Бадиий фильм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
17.55 ТВ-маркет.
18.10 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув.
18.35 «Солиқ ва назорат».
18.50 «Барҳаёт сиймолар». Ботир Зокиров.
19.10 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Навоийхонлик».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
«Спорт» дастури:
21.30 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларида.
21.45 Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.
22.15 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.40 «Ахборот».
00.15 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 2-қисм.
1.20—1.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус», «Мультомоша».
9.50 «Аср қиёфаси».
10.10 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
10.25 «Доктор Финли». Телесериал.
11.15 «Маслаҳат».
11.45 «Даллас». Телесериал.
12.30 «Садо-99» саҳифаларидан.
12.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
14.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Жавоҳир шаҳарлар».
14.20 «Аёл зоти». Телесериал. 1-қисм.
14.50 «Мусиқий лаҳзалар».
15.00 «Баҳс».
15.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». 31-қисм.
* * *
16.10 Кўрсатувлар дастури.
16.15 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Мультомоша».
16.50 «Мусиқий лаҳзалар».
16.55 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
17.45 «Таянч».
18.00 «Мен элимнинг юрагида яшайман». Видеофильм.
18.15 «Мусиқий лаҳзалар».
18.25 «Ғазал соғинчи».
18.45 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс».
19.35 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
19.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Самарқанд».
20.00 «Давр»-интервью.
20.15 «Авторейд».
20.25 Танишинг: Жасурбек Ризаев.
20.40, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.45 «Аёл зоти». Телесериал. 2-қисм.
21.20 «Ёшлар овози».
21.40 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Мусиқий глобус».
23.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
0.55—1.00 «Янги тонг».

TTK

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 «Омад» тележурнали.
8.55 «Рамаяна». 63-қисм.
9.30-9.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 21.00, 23.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 «ТВ плюс».
18.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.00, 20.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.45 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
21.25 «Омад» тележурнали.
22.10 «Спрут». Телесериал.
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30—8.00
*
14.00—15.15 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.15 Кўрсатувлар тартиби.
*
15.50 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари. Австралиядан олиб кўрсатилади.
17.00 Мультчархпалак.
17.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.30 «Бобил минораси». Телесериал.
18.35 «Рус транзити». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.50 «Арманистон ҳақида этюдлар».
21.10 «Дил изҳори».
21.45 «Соккер клуб».
22.00 «Вести».
22.30 «Дил изҳори».
23.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
24.00 «Ахборот» (рус тилида).
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЧОРШАНБА, 27

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 «Қалб наволари». Мусиқий дастур.
9.20 «Тиббиёт оламида».
9.30 ТВ-метео.
9.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Танбур».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кундузги сеанс: «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм.
11.25 ТВ-анонс.
11.35 «Қўшиғим-жон қўшиғим».
12.05 «Қўрқоқ бегемот». Мультфильм.
12.20 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати. Руминия—Англия.
14.10 ТВ-анонс.
14.15 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
14.35 Эстрада тароналари.
15.00 ТВ-метео.
15.10 «У дунёдан келган қотил». Бадиий фильм.
16.45 ТВ-анонс.
16.50 «Вақтинг кетди».
17.05 II Халқаро симфоник мусиқа фестивалининг тантанали ёпилиши.
17.45 «Иқтисод ва биз».
17.55 ТВ-маркет.
18.10 «Соябон менинг ҳамроҳим». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
18.40 «Истеъдод». А. Йўлдошев.
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мусиқий учрашувлар». Самарқанд вилоятидан.
21.35 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларида.
21.55 «Балли, раислар!» Телемусобақа.
«Тунги ҳамроҳ». Дам олиш дастури:
22.50 1. «Қалб сайёраси». 2.»Табассум кўчаларида».
23.30 «Ахборот».
00.05—00.15 Хайрли тун!.

YOSHLAR telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Мультомоша».
9.50 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
10.15 «Давр» - интервью.
10.30 «Мусиқий лаҳзалар».
10.40 «Европа билан ҳамкорликда».
11.00 «Ёшлар овози».
11.20 «Мусиқий лаҳзалар».
11.25 «Даллас». Телесериал.
12.10 «Мусиқий лаҳзалар».
12.20 «Таянч».
12.35 «Кинотақдим».
12.55 «Ғазал соғинчи».
13.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Самарқанд».
13.25 «Хайрат».
13.45 «Олтин мерос».
14.00 «Аёл зоти». Телесериал. 2-қисм.
14.30 «Авторейд».
14.40 «Ал-Биширининг орзу-армонлари». Телесериал. 15-қисм.
15.25 «Ўзбегим кураши».
15.45 «Хит-коллекция».
* * *
16.05 Кўрсатувлар дастури.
16.10 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув», «Мультомоша».
16.45 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Бисмарк» линкорини ахтариб.
17.35 «Мусиқий лаҳзалар».
17.50 «Мени тушун...» Телеўйин.
18.15 «Мусиқий лаҳзалар».
18.35 «Далил ва шарҳ».
18.45 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс».
19.35 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
19.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.55, 22.30 Эълонлар.
20.00 «Спорт–лото».
20.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Бухоро».
20.20 «Сийрат».
20.40 «Мусиқий лаҳзалар».
20.50 «Ракурс».
21.10 «НИҲОЛ» мукофоти совриндорлари куйлайди.
21.25 «Эркин фикр».
21.50 «Каталог».
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.10—1.15 Хайрли тун.

TTK

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 «Омад» тележурнали.
8.55 «Рамаяна». 64-қисм.
9.30-9.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 21.00, 23.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.00, 20.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.45 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
21.25 «Омад» тележурнали.
22.10 «Спрут». Телесериал.
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30—8.00
*
14.00—15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.45 Кўрсатувлар тартиби.
15.50 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларининг кундалиги.
17.00 Мультчархпалак.
17.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.30 «Бобил минораси». Телесериал.
18.35 «Рус транзити». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.50 «Бизнес-ревю».
21.10 «Дил изҳори».
21.45 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 «Дил изҳори».
23.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
24.00 «Ахборот» (рус тилида).
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин».

ПАЙШАНБА, 28

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 «Ёр ва диёр тароналари». Мусиқий дастур.
9.20 ТВ-метео.
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бибихоним».
9.40 «Мен туғилган тупроқ».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.25 Кундузги сеанс: «Дала ҳовли». Бадиий фильм.
11.50 ТВ-метео.
12.05 «Қувноқлар даврасида».
12.25 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
12.45 ТВ-анонс.
12.55 «Леопольднинг саргузаштлари». Мультфильм.
13.25 Телевизион миниатюралар театри.
14.10 «Хушнуд дамлар». Мусиқий дастур.
14.30 «Жадвалдан ташқари поезд». Бадиий фильм.
15.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Самарқанд-Динамо» — «Нефтчи».
17.15 «Дунё адабиёти».
17.35 ТВ-клип.
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.55 ТВ-маркет.
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.25 «Ҳамкорлик риштлари».
18.40 «Оила». Тележурнал.
18.55 Мусиқа бекати.
19.00 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий дастур.
22.15 «XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларида».
22.30 «Орзули олам бу».
22.55 «Сиз туғилган кун». Мусиқий дастур.
23.35 «Ахборот».
00.10—00.20 «Хайрли тун!».

YOSHLAR telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув», «Мультомоша».
9.50 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
10.15 «Сийрат».
10.35 «Доктор Финли». Телесериал.
11.25 «Бу мунис лаҳзалар».
11.45 «Даллас». Телесериал.
12.30 «Садо-99» саҳифаларидан.
12.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
14.15 «Мусиқий лаҳзалар».
14.30 «Қишлоқдаги тенгдошим».
14.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Бухоро».
15.00 «Мени тушун...» Телеўйин.
15.25 «Мусиқий лаҳзалар».
15.35 «Ал-Биширининг орзу-армонлари». Телесериал. 16-қисм (якунловчи).
16.15 «Мусиқий лаҳзалар».
16.30 «Сенинг вақтинг».
16.50 «Спорт-қитъаси».
17.20 «Мусиқий лаҳзалар».
* * *
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри», «Мультомоша».
18.10 «Тараққиёт».
18.25 «Дастхат».
18.45 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс».
19.35 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
19.50 «Табобат оламида».
20.05 Равшан Матёқубов куйлайди.
20.25 «Давр» - интервью.
20.40, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.45 «Аёл зоти». Телесериал. 3-қисм.
21.20 «НИҲОЛ» мукофоти совриндорлари куйлайди.
21.35 «Ёшлар овози».
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.10–1.15 «Хайрли тун».

TTK

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 «Омад» тележурнали.
8.55 «Рамаяна». 65-қисм.
9.30—9.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 21.00, 23.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 «Саховат».
18.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.55, 20.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.45 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
21.25 «Омад» тележурнали.
22.10 «Спрут». Телесериал.
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30—8.00
*
14.00—15.15 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.15 Кўрсатувлар тартиби.
*
15.20 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари. Австралиядан олиб кўрсатилади.
*
17.00 Мультчархпалак.
17.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.30 «Бобил минораси». Телесериал.
18.35 «Рус транзити». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.50 «СНН-шоу».
21.05 «Дил изҳори».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 «Дил изҳори».
23.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
24.00 «Ахборот» (рус тилида).
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЖУМА, 29

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
9.00 «Мумтоз наволар». Мусиқий дастур.
9.20 ТВ-метео.
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ўсимликлар дунёси».
9.40 «Фавқулодда 20 дақиқа».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Нурли келажак».
10.25 ТВ-анонс.
10.30 Кундузги сеанс: «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
11.50 ТВ-метео.
12.05 «Сомон йўли».
12.25 «Спорт, спорт, спорт». Телешарҳ.
12.55 «Яшил водий сари». Мультфильм.
13.55 ТВ-клип.
14.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
15.10 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
15.45 «Олмазор». Бадиий фильм.
17.00 ТВ-анонс.
17.05 «Рақибингиз — гроссмейстер».
17.15 «Кино: ижод ва талқин».
17.35 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
17.55 ТВ-маркет.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.35 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳловчилар даврасида.
18.55 «Навоийхонлик».
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт оламида».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. «Туркистон» саройидан олиб. кўрсатилади (ёзиб олинган).
22.35 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларида.
22.50 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
23.25 «Саҳна ҳаёти».
23.50 «Ахборот».
00.25—00.35 «Хайрли, тун!»

YOSHLAR telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри», «Мультомоша».
9.50 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
10.15 «Давр»-интервью.
10.30 «Мусиқий лаҳзалар».
10.40 «Доктор Финли». Телесериал.
11.30 «Тараққиёт».
11.45 «Мусиқий лаҳзалар».
12.00 «Даллас». Телесериал.
12.45 «Дастхат».
13.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
14.35 «Мусиқий лаҳзалар».
14.45 «Аёл зоти». Телесериал. 3-қисм.
15.15 «Мусиқий дастур».
15.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 32-қисм.
16.20 «Мусиқий лаҳзалар».
* * *
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Мультомоша».
17.10 «Ёшлар фотостудияси».
17.25 «Мусиқий лаҳзалар».
17.35 «Ёшлар ва маънавият».
17.50 «Олтин мерос».
18.05 «Автосалтанат».
18.20 «Ҳуқуқ ва бурч».
18.45 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс».
19.35 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
19.50 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Аср қиёфаси».
20.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Хива».
20.30, 21.00, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Аёл зоти». Телесериал. 4-қисм.
21.05 «Аскар мактублари».
21.25 «Азизим».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55 «Жаҳон эстрадаси».
0.10—0.20 «Мунаввар тонг истаб».

TTK

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 «Омад» тележурнали.
8.55 «Рамаяна». 66-қисм.
9.30-9.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 21.00, 23.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 «Соғинч». Теленовелла.
18.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.00, 20.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.45 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
21.25 «Омад» тележурнали.
22.10 «Спрут». Телесериал.
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30—8.00
*
14.00—15.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.30 Кўрсатувлар тартиби.
15.35 «Кун мавзуси».
*
15.50 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари. Австралиядан олиб кўрсатилади.
*
17.00 Мультчархпалак.
17.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.30 «Бобил минораси». Телесериал.
18.40 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.50 «Бизнес-ревю».
21.10 «Дил изҳори».
21.45 «Британия кундалиги».
22.00 «Вести».
22.30 «Дил изҳори».
23.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
24.00 «Ахборот» (рус тилида).
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин».

ШАНБА, 30

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
*
8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тоғлар чорлайди».
9.00 «Ҳидоят сари».
9.25 ТВ-метео.
9.35 Телевизион миниатюралар театри.
«Умид» намойиш этади:
10.10 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.30 «Ўз ҳақингизда».
*
10.45 «Шоҳруҳ клуби».
11.05 «Эл тинчлиги йўлида».
11.25 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Мусиқий дастур.
12.10 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
12.45 ТВ-метео.
12.55 «Беназир». Бадиий фильм 1-қисм.
14.05 «Дўстлик» видеоканали: 1. Меҳрангез. 2.Жетиген.
14.25 ТВ-анонс.
14.35 «Ажабсанда».
14.45 «Беназир». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.00 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати. Бразилия—Норвегия.
17.40 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
18.05 ТВ-анонс.
18.15 Болалар учун. «Ҳа! Ҳа! Ҳа!»
18.35 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув.
18.50 «Қишлоқ ҳаёти».
19.05 «Сизга ўхшагим келади». Мусиқий дастур.
19.25, 19.55. 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 2000 йил — Соғлом авлод йили. «Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз».
21.35 «Шийпондаги учрашувлар». Фарғона вилояти Олтиариқ тумани меҳнаткашлари ҳузурида.
«Спорт» дастури:
22.15 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларида.
22.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» — «Трактор». 2-тайм.
23.15 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.50 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Табиб». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.55—1.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR telekanali

8.00 «Давр тонги».
9.00 Кўрсатувлар дастури.
9.05 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик», «Мультомоша».
9.40 «Табобат оламида».
9.55 «Мусиқий лаҳзалар».
10.05 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
10.20 «Ракурс».
10.40 «Бола тилидан».
11.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Хива».
11.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.20 Ака-ука Эшчоновлар куйлайди.
12.40 «Ёшлар овози».
13.00 «1001 кеча». Телесериал. 20-қисм.
13.25 «Кутилмаган меҳмон».
13.45 «Мусиқий лаҳзалар».
13.55 «Аёл зоти». Телесериал. 4-қисм.
14.20 «Ўзбекистон қанотлари».
14.35 «Хандалак».
14.55 «НИҲОЛ» мукофоти совриндорлари куйлайди.
15.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.15 «Мусиқий лаҳзалар».
16.20 «Мен элимнинг юрагида яшайман». Видеофильм.
16.40 «Халқаро мусиқа кунига бағишланган дастур: 1.»Юнус Ражабий». 1-қисм. 2. Ғуломқодир Эргашев. «Наволар». 3. «Юнус Ражабий» 2-қисм.
* * *
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Мультомоша».
18.05 «Дилбарим».
18.25 «ТВ-саёҳат».
18.45 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс».
19.35 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
19.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.55 «Футбол плюс...»
20.15 «Сир».
20.35, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.40 «1001 кеча». Телесериал. 21-қисм.
21.10 «Хайрат».
21.30 «Устоз ва мураббийлар кунига бағишланган мусиқий дастур».
21.50 «Каталог».
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
23.10 «Дирижабл».
23.30 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Отелло - қора бўрон».
1.10—1.15 «Хайрли тун!»

TTK

9.00 «Тонгги пойтахт».
9.40 «Омад» тележурнали.
10.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
11.05 2000 йил — Соғлом авлод йили. «Спорт-тайм».
11.25 «Экспресс» телегазетаси.
11.40 «Дўстлик» видеоканали. «Чинсен», «Сахий хонадонда».
12.25 «Жаҳон географияси». «Маймунларнинг ўзаро муносабатлари».
13.20—15.00 Кинонигоҳ. «Севишганлар». Бош ролда Роберт де Ниро.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 «ТТВ плюс юлдузлар».
18.30 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ (рус тилида).
18.55, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.50 «Экспресс» телегазетаси.
20.05 «Суҳбатдош».
21.00 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ.
21.25 «Омад» тележурнали.
22.10 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
23.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Инглиз тили Сиз учун».
*
9.30 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси»
*
10.05 «СНН–шоу».
10.20 «Кино сайёраси».
10.35 «Дурдаршан».
*
10.50 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари. Австралиядан олиб кўрсатилади.
*
13.05 «ТВ-4да Немис тўлқини».
13.25 «Ёшлар кўчасида».
13.45 «Х-Спорт».
14.05 «Немис тили».
14.35 «Клип-антракт».
*
14.40—16.00 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари. Австралиядан олиб кўрсатилади.
***
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Полапон».
*
18.05 «Дарди бедаво». Бадиий фильм.
20.00 «Время».
*
20.40 «Дил изҳори».
21.20 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларининг кундалиги.
22.30 «Дил изҳори».
23.05 «Эксклюзив».
23.25 Кинематограф. «Узук». Бадиий фильм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида).
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЯКШАНБА, 1

«Ўзбекистон» телеканали

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган узлуксиз теледастур

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
*
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Ойдин қўшиқлар». Мусиқий дастур.
9.15 «Ғаройибот».
9.30 «Меҳр нури». Табрик-клип.
9.35 «Оналар мактаби».
9.50 «Умид» ахбороти.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 ТВ-клип.
11.05 «Талабалик йилларим».
11.20 «Садоқат».
*
11.35 ТВ-метео.
11.45 «Мураббий». Спорт дастури.
12.00 «Болалар дунёси».
12.35 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
14.05 «Умид» ахбороти.
14.15 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Шарки ва Жорж». Мультсериал премьераси.
15.30 «Маърифат истар кўнгил». Клип-табрик.
15.35 «Устоз».
15.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Аҳмад ал-Фарғоний: Иккинчи умр».
16.10 «Бир ҳарф ўқитмиш ранж ила». Бадиий-публицистик кўрсатув.
16.25 Болалар учун. «Ёш юлдузлар».
16.45 «Ҳунар-зар». Табрик-клип.
16.50 «Умид сафарда». Телешоу.
17.25 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал.
17.35 «Илк қадамлар».
17.50 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.15 «Дунёни болаларга берайлик». Бадиий-мусиқий дастур.
18.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.10 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларида.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Олтин мерос». Юнус Ражабий.
20.20 ТВ-клип.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Сизга таъзим, устозлар».
21.55 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
«Спорт» дастури:
22.55 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими.
23.30 «Олам футболи».
24.00 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
00.15 Ўзбек киноси ижодкорлари.
00.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Табиб». Бадиий фильм. 2-қисм.
1.40—1.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR telekanali

8.00 «Давр тонги».
9.0 Кўрсатувлар дастури.
9.05 «Мусиқий табрик».
9.10 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Мультомоша».
9.45 «Бир ўлка-ки...».
10.05 «Мусиқий лаҳзалар».
10.15 «Футбол плюс...»
10.35 «Мусиқий табрик».
10.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури; «Бисмарк» линкорини ахтариб.
11.30 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: «Аскар мактублари».
11.50 «Ёшлар овози».
12.10 «Мусиқий табрик».
12.15 «1001 кеча». Телесериал. 21-қисм.
12.40 «Устоз ва мураббийлар кунига бағишланган мусиқий дастур».
13.00 «Эркин фикр».
13.25 «Мусиқий табрик».
13.30 «Азизим».
13.55 «Мусиқий лаҳзалар».
14.00—16.05 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиши. Австралиядан тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
16.05 Мультфильм.
16.35 «Мусиқий дастур».
* * *
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Болалар учун концерт», «Уй вазифаси», «Мультомоша».
17.55 «Якшанбада кўришгунча».
18.10 «Мусиқий табрик».
18.15 «Мезон».
18.35 «Очун».
18.55 «Мусиқий табрик».
19.00 «Давр-news».
19.15 «Мусиқий дастур».
19.30 «О, ёшлигим».
19.50, 20.20, 22.40 Эълонлар.
19.55 «1001 кеча». Телесериал. 22-қисм.
20.25 «Синфдош».
20.55 «НИҲОЛ» мукофотини топшириш маросими. Мусиқий дастур.
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ҳафта ичида.
22.40 «Иқлим».
22.45 «НИҲОЛ» мукофотини топшириш маросими. Мусиқий дастур (давоми).
0.00-0.05 «Хайрли тун».

TTK

9.00 «Тонгги пойтахт».
9.40 «Омад» тележурнали.
10.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
11.05 2000 йил – Соғлом авлод йили. «Спорт оламида».
11.25 «Экспресс» телегазетаси.
11.40 «Сайёрамиз бўйлаб». 35-қисм.
12.05 «Телефакт».
12.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.45 «Жаҳон географияси». «Майсаларда чипор нақшли зебралар».
13.35—15.15 Кинонигоҳ. «Тутси».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Зиё соҳиблари».
18.30 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ.
18.55, 20.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.45 «Экспресс» телегазетаси.
20.00 «Дурдона».
21.00 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ.
21.25 «Омад» тележурнали.
22.10 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
23.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Тонг» дастури.
10.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
*
10.10 «Тонгги почта».
*
10.40 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.20 «Парле ву франсе?»
12.45 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили).
12.55 «Дўстлик» видеоканали: 1. «Маврид». 2. «Дидар». 3. «Машриқ оҳанглари».
*
14.00—16.05 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиши Австралиядан олиб кўрсатилади.
***
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Болалар олами».
*
18.00 «Легионер». Бадиий фильм.
*
20.00 «Дил изҳори».
20.40 «Бизнес-ревю».
21.00 «Тенгдошлар».
21.25 «Дил изҳори».
22.05 «Интернет ҳудуди».
22.20 «Мюзик-холл».
22.50 Кинематограф. «Узук». Бадиий фильм.
22.55 «Таҳлилнома» (рус тилида).
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЧИНОЗ ТУМАНИ «ПАХТАБАНК»
акциядорларининг 2000 йил 22 апрелдаги 8/5 сонли умумий йиғилиши қарорига асосан банкнинг 1, 2, 3 эмиссия нақд шаклидаги акцияларини нақдсиз акцияларга алмаштириш мақсадида ИАК «Пахтабанк»и Чиноз бўлими шу йил 19 сентябрдан 26 сентябргача «Пахтабанк»нинг 1, 2, 3 эмиссия нақд шаклидаги оддий ва имтиёзли акцияларини
ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА.
Чиноз «Пахтабанк» бўлими ўз акциядорларини ўзларига тегишли бўлган «Пахтабанк»нинг 1, 2, 3 эмиссия акцияларини 26 сентябргача топширишларини сўрайди.
«Пахтабанк» Чиноз бўлими.

Чиноз туманидаги «Эшонобод» жамоа хўжалиги ширкат хўжалигига айлантирилиши муносабати билан
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 32-387 телефони орқали қабул қилинади.

КЎЗ ОЧАЁТГАН БУЛОҚ

«Бола бошидан», деган нақл бор халқимизда. Камол топиб келаётган ёш истеъдодларни кўрганда беихтиёр бу нақл қанчалар тўғри айтилганига амин бўлади киши. Чиноз туманида Гулбаҳор Ортиқхўжаевани шоира қиз, деб аташади. У ўзининг илк шеърларини ёзганида ҳали мактаб ўқувчиси эди. Мактабни тугатди, унинг орзуси Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетнинг журналистика факультетида таҳсил олиб журналист бўлишдир.

Гулбаҳорнинг шеърлари худди ўзи каби беғубор, содда. У она ҳақида, Ватан ҳақида, эртанги кун ҳақида завқ билан қалам тебратмоқда. Биз унинг ижоди келгусида булоқдек жўшқин бўлишини тилаган ҳолда, бир нечта шеърларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

ШЕЪРИЯТ

Бу ёлғон дунёдан топганим ўзинг,
Энг яқин дўстимсан хиёнат қилмас.
Дардимга дармондир сўзлаган сўзинг
Сенсиз зимистон дил нурафшон бўлмас.

Кўнглимнинг кулбаси қолар ҳувиллаб,
Аламли ёшларин тўкар дувиллаб.
Кетмасанг, дунёни ёлғон этмасанг,
Ўтмасдим барчага сендек дўст тилаб.

БОЛАЛИГИМ

Оҳ, гўзал болалик ўтиб ҳам кетдинг,
Шўх-шўх дамларигни бир орзу этдинг.
Мана энди мен ҳам улғайиб қолдим
Ва сени эсладим, ўйланиб қолдим.
Беғам йўлларингда югурар эдим,
Кўм-кўк кўлларингда чўмилар эдим.
Турналар келганда кўкка тикилиб,
Гулу чечакларга кўмилар эдим.

Шодликдан қувониб, севинчга тўлиб,
Баъзида юрардим қаҳрли бўлиб.
«Болалик-пошшолик» деганларидек
Юрардим эркалик, тихирлик қилиб.

Ўтди, мана, ўшал пошшолик дамлар,
Мени қаторига қўшди одамлар.
Беғам дамларим ҳам айтдилар хайр,
Чорлар мени энди ўзга оламлар.

Ўзга оламларда ўзга одамлар,
Дуч келади менга, яхши биламан.
Кексаликда ёлғиз қолмаслик учун,
Сени юрагимда сақлаб қоламан.

ОЙДИН КЕЧА

Ойдин кечаларда ҳаёл сурарман,
Ҳаёл оғушида яйраб юрарман.
Гоҳ яхши-ю, ёмон одамларни ҳам
Гоҳи болаликни ўйлаб турарман.

Бу ҳаёт нақадар гўзал, бетакрор,
Шу ҳақда ўйланиб қоламан бир бор.
Кунлар ҳам ўтмоқда, ўтар умр ҳам,
Ўтмоқдадир ҳаёт асов, шиддаткор.

Вақтнинг қадрига етмаганлар бор.
Умрин охирида йиғлашар зор-зор.
Кел, Гулбаҳор вақтни бекор ўтказма,
Унсиз ҳаёлларинг этмагил
т акрор.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.

Болагинамнинг боласи.
Қантдак ўрик донаси.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ШОҲРУҲИЯГА ОТЛАНДИЛАР

Оккўрғон туманидаги Шохрухия археологик ёдгорлигида тадқиқотчилар экспедицияси ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Археология институти, Темурийлар тарихи музейи, «Ўзбекмузей» уюшмаси, «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими, «Ўзинтур» қўшма корхонаси, Амир Темур жамғармаси томонидан уюштирилган мазкур тадқиқот ишлари бир ярим ойга мўлжалланган. Унинг якунлари бўйича эса, Темурийлар тарихи музейида махсус кўргазма очилади ва Шохрухияда очиқ осмон остида музей яратилади.

Экспедиция ишини Амир Темур жамғармаси ва Темурийлар тарихи музейи маблағ билан таъминламоқда.

Шоира АБДУШОҲИДОВА.

РИМДА ИБН СИНО КЎЧАСИ

Ўрта аср Шарқининг буюк олими Абу Али ибн Синонинг номи ва бой илмий фаолияти Италияда ҳам эъзозланади. Рим шаҳрида юртдошимиз номидаги кўча борлиги ҳам шундан далолат.

Бу кўча Римга файз бериб турувчи Тибр дарёси қирғоғидан бошланади. Уни кўп қаватли осмонўпар уйлар, катта кўча, йўллар ва хиёбонлар безаб турипти. Иморатларнинг биринчи қаватида турли савдо дўконлари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар жойлашган. Кўчанинг 68 уйи деворидаги мармар лавҳада «Виа Авиценна» яъни «Авиценна кўчаси» деб ёзиб қўйилган. Сал нарирокдаги бир уйнинг деворида эса Абу Али ибн Сино ҳаёти ва фаолиятига доир маълумот ёзилган мармар лавҳа ҳам кўзга ташланади.

— Римга келишдан олдин Венецияда бўлдик, — дейди бир гуруҳ ўзбекистонлик сайёҳлар сафида Италияга бориб, буюк ватандошимиз номига қўйилган кўчани зиёрат қилган таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги профессор Азиз Қаюмов. — Мен у ердаги Санта Марко миллий кутубхонасига бориб, Шарқ қўлёзмалари билан қизиқдим. Бу зиё масканида Низомий, Умар Ҳайём, Хофиз, Саъдий, Нахшабийларнинг қўлёзма асарлари билан бирга Абу Али ибн Синонинг машҳур «Тиб қонунлари» китобининг 1159 йили кўчирилган қўлёзма нусхаси ҳам бор экан.

Ана шу кутубхонада халқ табобатига доир бошқа китоблар ҳам мавжуд. Айниқса, Маҳмуд бинни Масъуд ал Шерозийнинг «Тиб қонунлари»га ёзган Шарқ китоби ва яна бир қанча нодир асарлар эътиборни ўзига тортади.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

АДАШГАН ЎҚ

Шертой бобо қишлоқда бўлган тўйлардан бирида Ҳакимали полвон билан бел олишди. Бу курашда унинг қўли баланд келиб, Ҳакимали полвоннинг курагини ерга теккизди. Шунда полвон:

– Шертойбек, бугун сен ҳалол олишдинг. Мендек кураги ерга тегмаган полвонни енгдинг. Шу сабабли уйимдаги Олапар итимнинг боласини сенга совға қилмоқчиман, – деди.

Ўша куни Шертой бобо уйига кучук бола билан кириб келди. Кучукчанинг ўзи қоп-қора бўлиб, фақат икки кўзи атрофларигина оппоқ экан. Шунинг учун бўлса керак, унга Оққўз деб ном қўйишди...

Шертой бобо ҳар тонг барвақт уйғонар, нонуштадан сўнг қора жийронни эгарлаб, даласига йўл оларди. Қора жийрон ортидан Оққўз ҳам изма-из эргашарди.

Шертой бобо даласига етиб боргач, қора жийронни бедазор чеккасига арқонлаб қўйди. Ўзи кетмонини қўлига олиб бегона ўт босган картошка пайкалларини чопишга тушди. Оққўз бўлса йўл қириб чарчагандек, индамай тут дарахти тагига бориб ётди.

Қуёш тикка кўтарилиб кун қизиган вақтда Шертой бобо кетмон уришни тўхтатди. Жазирама офтоб тиғида тер босган юзларини рўмолча билан артиб, ҳоҳиста пайкал бошига чиқди. Ариқчага солиб қўйган муздек айрондан ичиб олди. Шертой бобо қора жийроннинг қозиғини бўшатиб, ариқ бўйига етаклаб чиқди. Қора жийрон ариқнинг тиниқ сувидан ичиб баданлари яйради. Бобо отни етаклаб келиб, дарахт соясига арқонлаб қўйди. Шундан сўнг ўзига ҳам соя-салқин жой танлаб бўйнидаги рўмолчасини ўт устига ёзди. Хуржунидаги Маърифат ая солиб берган егуликларни олиб тамадди қила бошлади. Ушатилган нон бурдасини думини ликиллатиб турган Оққўзга ташлади.

Тушликдан сўнг юзига фотиҳа тортган полвон дастурхон ўрнида солинган рўмолчани чеккароққа қоқиб келди. Дарахт шохида ўтирган қушчалар чуғурлашиб учиб келиб нон ушоқларини чўқий бошлади. Оққўз вовуллаб улар томон отилди. Кучукчанинг товушидан чўчиб кетган қушлар қанот қоқиб бир зумда дарахт шохига қўниб олишди. Оққўз шохдан-шохга сакраб чуғурлаётган қушларга қараб вовуллади. Бу холни кузатиб турган Шертой бобо кучукчага сўз қотди:

– Оққўз, қани бу ёққа кел-чи. Нима қиласан, бедозор қушчаларга озор бериб? Рўмолча қоққанимда ўша қушларнинг ризқини сочдим-ку! Сен бўлсанг, ўз ризқини тераётган қушчаларни чўчитаяпсан.

Оққўз насиҳатомуз бу сўзларни тушунгандек, думини ликиллатиб бобонинг оёқларига суйкаланди. Кучукчанинг эркаланиши эгасига ҳам мойдек ёқди шекилли томирлари бўртган полвон қўллари билан Оққўзнинг бошини силаб қўйди.

Шертой бобо енгини шимариб, яна даласи томон юрди. Оққўз эса, ўзини дарахт соясига уриб, пинакка кетди.

Қуёш нурида Шертой бобо ураётган кетмоннинг юзи ҳар кўтарилганда ялтираб кўринарди. Ўша куни Шертой бобо кеч кириб қуёш ўз ётоғи томон бош қўйгунча даласидан чиқмай кетмон урди. Фақатгина томоқлари қақраб чўллаган вақтида ариқ бўйига чиқиб сувга қўйилган айрондан ичиб оларди...

Ёз ўтиб, куз кириб келди. Шертой бобо даласида етиштирган ҳосилларини йиғиштириб олди. Бу орада қиш ҳам эшик қоқиб, биринчи қор ёғди. Дов-дарахтлар ва она замин оппоқ либосга бурканди. Кечалари изғирин туриб ерлар яхмалак бўла бошлади. Хонадон томларида муз найчалари пайдо бўлди. Қиш ўз ҳукмини ўтказа бошлади.

Шертой бобо қишда ҳам бир зум тин олмасди. У ҳовлидаги кеча ёққан қалин қорни кураш билан овора. Оққўз совуқдан қочиб уясига кириб олган. Ахён-ахёнда бошини чиқариб қор кураётган бобога қараб қўяди.

Ўша йили қиш ҳар йилгидан қаттиқроқ келди. Қишлоқ тоққа яқин бўлганлиги учун изғиринда кечалари чиябўрилар ҳам оралаб қолди. Ана шундай совуқ қиш тунларидан бирида тўсатдан Оққўзнинг қаттиқ ҳуриган товуши эшитилди. Маърифатхон ая бу товушдан чўчиб уйғонди:

– Ҳой, дадаси, туринг. Эшитяпсизми, кўзингизни очинг. Оққўз нимадандир безовта бўлиб ҳуримоқда. Тағин чиябўри келган бўлмасин.

Шертой бобо сапчиб ўрнидан турди. Турди-ю, деворда осиғлиқ турган қўш оғиз милтиқни олиб ташқарига отилди.

Ҳовли чеккасидаги товуқхона ёнида Оққўз чиябўри билан олишарди. Бобо милтиқни ўша томон тўғрилади. Бир дақиқа иккиланиб турди-да, тепкини босди. Милтиқнинг дахшатли гумбури ҳаммаёқни ларзага солди. Отилган ўқ нишонга бехато тегди. Аммо, Шертой бобо қоронғуда чиябўрини эмас Оққўзни отиб қўйганди. Буни у товуқхона олдига етгач пайқади. Бечора Оққўз бир-икки уввос тортиб, сўнг жимиб қолди. Шертой бобо қилиб қўйган хатосидан аччиқланиб, қўлидаги милтиқни важоҳат билан ерга улоқтирди...

Эртаси куни тонгда Шертой бобо Оққўзни чанага ортиб, тўқайзорга кўмиб келди. Келдию, ҳеч кимга ҳеч нарса демай уйга кириб кетди. У бошини болишга қўйган кўйи анча маҳалгача жим ётди. Бобо қилган хатосидан азият чекарди:

– Э, қодир Эгам, сенга нима гуноҳ қилгандимки, мендек бандангнинг вафодор дўстига хиёнат қилишига йўл қўйиб бердинг. Ахир мен Оққўзни эмас, лаънати чиябўрини нишонга олгандим-ку...

Ўша куни тушга яқин чойга чақириш баҳонасида кирган Маърифат аянинг даҳшатли чинқириғи эшитилди.

Тушдан кейин ҳовлига тумонат оломон йиғилди. Улар Шертой бобонинг жасади солинган тобутни кўтариб қишлоқ қабристонига кириб кетишди.

Латифжон МАНСУРОВ.

МЕДАЛ САРИ БИР ҚАДАМ ҚОЛДИ

ЯШИЛ ҚИТЪА — Австралияда ўтаётган Олимпиада ўйинлари қизғин паллага кирди. 300та медал шодасининг қарийб учдан бири ўз эгаларини топди. Ҳозиргача Ўзбекстон вакилларидан ҳали ҳеч ким бундай шарафга муяссар бўла олгани йўқ.

ОЧИҒИ дзюдочиларимиздан умид катта эди. Биз олган энг сўнгги маълумотларга қараганда 7 нафари полвонимиздан 6 нафари шу кунгача гиламга чиқишга улгурди-ю, бироқ мағлубиятга учраб, курашни тўхтатди.

Спортнинг сузиш ва қиличбозлик турларида қатнашган саноқли вакилларимиз ҳам нафақат кучли, балки ўртамиёна спортчиларнинг соларида қолиб кетишди.

Ҳайриятки, ҳозирча боксчиларимиз умид чироғини ёқиб туришибди. Улардан уч нафари чорак финалга чиқди. Бу эса медаллар шохсупасига бир қадам қолди, деган гап. Зеро, ярим финалга чиққан спортчи учун ҳеч бўлмаганда бронза медали нақд.

Боксчиларимиздан Руслан Чагаев ва Муҳаммадқодир Абдуллаев айниқса, ишонч билан олға босишяпти. Шуниси қувончлики, вилоятимиз вакили Алишер Раҳимов ҳам улардан қолишмаяпти.

Бугун-эрта штангачиларимиз, улардан кейин эса енгил атлетикачиларимиз курашга киришадилар. Шуни таъкидлаш керакки, мутахассис ва мураббийлар оғир атлетикачимиз Игорь Халиловнинг муваффақиятли қатнашишига ишонч билдирмоқдалар.

Бўлиб ўтган беш кунлик қизғин курашлар якунига кўра энг кўп — 23та медални қўлга киритган Америка вакиллари пешқадамлик қилмоқда. Олимпиада мезбонлари — Австралия терма жамоасида медаллар 22тага етди. Франция эса 17та медал билан учинчи ўринда бормоқда. МДҲ мамлакатларидан Россия 7, Украина 13, Литва 25, Белорусь 30, Қирғизистон, Грузия, Латвия ва Эстония эса 41-ўринни эгаллаб турибди.

БАЛЛИ, ХУЖУМЧИЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН IX миллий футбол чемпионати олий табақаси жамоалари навбатдаги 30-тур учрашувларини ўтказдилар. Дарвозаларга жами 49та тўп киритилди. Ҳар бир учрашувга ўртача 4,9тадан гол тўғри келди. Бешта ўйинда йирик ҳисоб қайд этилди. Икки учрашувда меҳмонларнинг қўли баланд келди.

ЧЕМПИОНАТ бошлангандан буён голларга бу қадар бой тур бўлмаган эди. Ҳар бир учрашувда дарвозага деярли бештадан тўп киритиш камдан-кам учрайдиган ҳол. Хужумчиларнинг омади келган ушбу турдаги голлар шодаси чемпионат учун рекорд натижа бўлиб қолса, ажаб эмас. Спортда, айниқса, футболда олдиндан қилинадиган башоратлар кўпинча, оқланмасада, айтиш жоизки, вилоятимиз вакиллари бўлган учта жамоамиз ҳам рақиб дарвозаларига жами 11та тўп киритиб, ушбу турнинг энг сергол бўлишига салмоқли ҳисса қўшди.

Айниқса, «Кимёгар»нинг рақиб майдонида тўп сурганлигига қарамай, муҳим уч очкони қўлга киритгани айни муддао бўлди. «Сўғдиёна»ни 3:2 ҳисобида мағлуб этган чирчиқликлар жадвалда икки поғона яъни 14-ўринга кўтарилиб, «ҳавфли зона»дан узоқлашишга муваффақ бўлдилар. «Металлург» ҳам «Темирйўлчи»ни 6:1 ҳисобида енгиб, 11-ўринга кўтарилди.

Шу куни мамлакат чемпионати биринчи табақасида навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Аввалги турда чемпионат пешқадами «Машъал»ни мағлуб этган Қибрай туманининг «Роҳат» жамоаси бу сафар «Ситора» устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва жадвалда бир поғона кўтарилиб, 6-ўринга чиқди.

Мамлакат чемпиони «Дўстлик» бу сафар очко йўқотди. Вакилларимиз «Гулистон»нинг меҳмони бўлишиб, ўйинни 2:2 ҳисобида якунлашди.

«Семурғ» эса бу сафар ҳам мухлисларни ранжитди. Ангренликлар турнир жадвалидаги охирги ўринни эгаллаб турган «Хоразм»га 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйди. Бу «Семурғ»нинг кетма-кет бешинчи мағлубиятидир. Табиийки, мухлислар «илгари бинойидек тўп суриб келган жамоага нима бўлди ўзи», деган ҳақли саволга жавоб кутмоқдалар.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди: «Нефтчи» – «Қизилқум» – 5:0, «Андижон» – «Бухоро» – 2:5, «Насаф» – «Зарафшон» – 4:1, «Сурхон» – «Самарқанд» – 5:3, «Трактор» – «Навбаҳор» – 1:0, «Турон» – «Пахтакор» – 3:1.

Навбатдаги тур учрашувлари 27 сентябрь – чоршанба куни ўтказилади.

Ўттизинчи турдан сўнг жамоалар жадвалда қуйидагича жойлашдилар

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
«Дўстлик»	28	22	4	2	82-31	70
«Насаф»	30	20	7	3	65-33	67
«Нефтчи»	30	20	6	4	67-26	66
«Самарқанд»	29	19	2	8	78-38	59
«Навбаҳор»	30	16	7	7	57-39	55
«Бухоро»	30	15	4	11	50-47	49
«Андижон»	30	12	9	9	63-44	45
«Сурхон»	30	13	6	11	58-54	45
«Трактор»	30	13	4	13	45-40	43
«Пахтакор»	30	12	7	11	47-43	43
«Металлург»	30	11	7	12	47-44	40
«Семурғ»	30	10	7	13	45-55	37
«Қизилқум»	30	7	11	12	36-46	32
«Кимёгар»	30	7	8	15	30-49	29
«Гулистон»	29	8	4	17	34-53	28
«Сўғдиёна»	30	7	5	18	34-67	26
«Темирйўлчи»	30	9	5	18	41-75	26
«Зарафшон»	30	6	7	17	25-60	25
«Турон»	29	6	6	17	29-65	24
«Хоразм»	29	5	6	18	24-50	21

Яна бир вакилимиз – «Ғазалкент» жамоаси бу турда ўз майдонида чемпионликка даъвогар «Машъал»ни қабул қилди. Вакилларимиз бор куч ва маҳоратларини ишга солиб, кучлилар билан тенгма-тенг беллашишга ҳаракат қилдилар, бироқ ўйин 2:3 ҳисобида якунланди.

Самад ЙЎЛДОШ.

АЖАБТОВУР ФАРМОЙИШЛАР

Ойна ишлаш қадимда Венеция давлатининг монополияси эди. Шунинг учун ҳам XVII асрнинг ўрталарига қадар Венецияда ойна ишлаш сирини бошқа давлатга ошкор қилиб қўйган кишилар ўлимга маҳкум этилади, деган махсус фармойиш бўларди.

Бу қизиқ

* * *

Қадимдаги Римда парпур, яъни қизил бўёқ ва киноварь минерал аралашмасидан сарой доирасида ишлатиладиган қизил сиёҳ ҳосил қилиниб, у билан фақат давлат ҳужжатларигина битилган.

Император бу сиёҳдан сарой ташқарисида фойдаланишни ўлим жазоси билан ман этувчи фармон чиқаради. Бундай сиёҳ махсус қоровуллар муҳофазаси остида сақланган.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 23-27 сентябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг ўрталарига бориб айрим туманларда ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Шамол кучайиб, унинг тезлиги ҳар сонияда 15-20 метрга етади. Ҳарорат кечалари 9-14, кундуз кунлари 26-31 даража иссиқ бўлади.

Шу даврнинг охирига бориб ҳарорат пасайиб, кечалари 7-12, кундуз кунлари эса 20-25 даража атрофида иссиқ бўлиши кутилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-805. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6